

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**131** Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат нотариал идоралари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни автоматлаштиришни;

кўчмас мулк ва автотототранспорт воситаларини бошқага ўтказиш тақиқланганлиги ёки хатланганлиги бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантиришни;

нотариал ҳаракатларни амалга оширишда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан давлат хизматлари кўрсатишни назарда тутувчи «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимини амалга киритиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан алмашинадиган маълумотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини нотариал тасдиқлаш:

Тошкент шаҳрида — 2017 йил 1 июлдан бошлаб;

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) — 2018 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади.

4. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўзаро ҳисоб-китоблар, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув истеъмолчилари шахсий ҳисоб рақамларининг ҳисобга олиш маълумотлари, шу жумладан яқка тартибда ҳисобга олиш асбоблари ҳолати тўғрисида 3-иловага мувофиқ батафсил маълумотларни шакллантириш тизими жорий этилишини ва идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизимига аниқ вақт режимида юборилишини:

Тошкент шаҳри бўйича — 2017 йил 1 июлдан бошлаб;

Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятлари бўйича — 2018 йил 1 июлдан бошлаб таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ергеодескадастр» давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш ташкилотлари 2017 йил 1 июлгача бўлган муддатда идоралараро электрон ҳамкорлик воситасида алмашинадиган маълумотларни долзарблаштириш, олиш ва бериш юзасидан ахборот тизимларини ўзаро мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

2017 йил 1 апрелгача бўлган муддатда — нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган давлат божи ва бошқа тўловларни электрон тарзда амалга ошириш бўйича таклифлар киритсин;

2017 йил 1 июлгача бўлган муддатда — ариза берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали битимлар лойиҳаларини тайёрлаш, нотариал ҳаракатлар ҳақида тушунтиришлар олиш ва нотариус қабулига олдиндан ёзилиш учун мурожаат қилиш механизмини жорий қилсин;

2017 йил мобайнида ушбу қарорнинг қўлланилиши юзасидан мониторинг олиб борсин ва таҳлил қилсин ҳамда, зарурият бўлганда, кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳады қилиш битимларини нотариал тасдиқлаш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Тошкент шаҳри бўйича — 2017 йил 1 июлдан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятлари бўйича — 2018 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов, Ф.И. Ибрагимов, З.Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири М.М. Икрамов зиммасига юклансин.

## Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,  
2017 йил 27 февраль,  
106-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Нотариат тўғрисида»ги ва «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимларини (бундан буён матнда битим деб аталади) идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза берувчи** — битимни нотариал тасдиқлаш мақсадида нотариал идорага мурожаат этувчи кўчмас мулк мулкдори ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг номидан ҳаракат қилишга ваколатли бўлган вакили;

**электрон ариза** — ариза берувчининг битимни нотариал тасдиқлаш ҳақида электрон ҳужжат шаклидаги мурожаати;

**коммунал хизматлар** — газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича хизматлар;

**«Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими** (бундан буён матнда «Нотариус» ААТ деб аталади) — нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни автоматлаштириш учун мўлжалланган ахборот тизими;

**электрон аризанинг ноёб рақами** — электрон ариза тўлдирилгандан кейин «Нотариус» ААТ томонидан шакллантириладиган рамзларнинг ноёб тўплами.

3. Битимларни идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

**2-боб. Электрон аризани тўлдириш**

4. Ариза берувчи битимни нотариал тасдиқлаш учун нотариал идорага: Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шахсий кабинет орқали ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги электрон аризани бевосита тўлдириш йўли билан;

электрон аризани тўлдириш учун кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат билан нотариал идорага ўзи келиб мурожаат қилиши мумкин.

Ўзи келиб мурожаат қилинганда электрон ариза қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов ундирилгандан сўнг ариза берувчининг номидан нотариал идоранинг ходими томонидан тўлдирилади.

5. Электрон ариза тўлдирилгандан кейин солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик, кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ёки «Нотариус» ААТда идоралараро электрон ҳамкорлик орқали автоматик тарзда текширилади.

6. Солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги аниқланса, ариза берувчига қарздорлик бартараф этилганидан ёки тақиқ ва хатлаш олиб ташланганидан кейин битимни нотариал тасдиқлаш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабар берилади. Ариза берувчининг талабига кўра билдиришнома ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Бунда ариза берувчига солиқлар, коммунал хизматлар ёки электр энергияси бўйича аниқланган қарздорликни нотариал идорада, шу жумладан электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш имконияти берилади. Ариза берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар тезкорлик билан «Нотариус» ААТда акс эттирилади.

7. Солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжуд бўлмаса, электрон аризага ноёб рақам берилади.

Ариза берувчига битимни нотариал тасдиқлаш мумкинлиги, давлат божи миқдори, шунингдек битимни нотариал тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ҳақида хабар берилади.

Ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган ҳужжатлар мавжуд бўлса, ариза берувчи электрон аризага ноёб рақам берилган вақтдан бошлаб 24 соат ичида битимни нотариал тасдиқлашни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8. Ариза берувчи битимни нотариал тасдиқлаш учун нотариал идорага келадиган кун ва қулай вақтни белгилаган ҳолда нотариус қабулига олдиндан ёзилиши мумкин.

Ариза берувчининг хоҳишига кўра электрон аризининг ноёб рақамини, нотариал идорага келинадиган кун ва вақтни, нотариал идоранинг нотариуси фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда нотариус қабулига олдиндан ёзилганлиги ҳақида унга ёзма шаклда билдиришнома берилади. Ариза берувчи билдиришномада кўрсатилган вақтда нотариал идорага келиши керак.

9. Электрон аризага ноёб рақам берилган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида ариза берувчи нотариал идорага келиши мумкин.

Кўрсатилган муддат ўтгандан кейин нотариал идорага мурожаат этил-

са, электрон аризани тўлдириш ушбу Низомнинг 4 — 7-бандларида назарда тутилган тартибда қайта амалга оширилади.

10. Ариза берувчининг хохишига кўра нотариал идоранинг ходимлари томонидан битимнинг дастлабки лойиҳаси тузилади. Бунда битим лойиҳаси нотариал тасдиқлаш учун нотариал идорага келинган куни тақдим этилади. Битим лойиҳаси тузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов ундирилади.

### **3-боб. Битимни нотариал тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар**

11. Битимни нотариал тасдиқлаш қонун ҳужжатларида белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш қоидаларига мувофиқ томонларнинг иштирокида амалга оширилади.

12. Битимни нотариал тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

электрон аризанинг ноёб рақами;

паспорт ёки битим томонларининг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди;

хусусийлаштирилган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишда — кўчмас мулкни хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг нотариал тасдиқланган розилиги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази» давлат унитар корхонасидан) олинган хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома;

агар кўчмас мулк биргаликдаги никоҳ давомида орттирилган бўлса — эрнинг (хотиннинг) нотариал тасдиқланган розилиги;

агар кўчмас мулкнинг қурилиши тугалланмаган бўлса — маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

агар кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса — гаровга олувчининг розилиги;

агар васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс номидан васий (ҳомий) шартнома тузса — васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги;

юридик шахслар учун — юридик шахс ваколатли органининг қарори (умумий мажлис баённомаси, кузатувчи кенгашнинг қарори, буйруқ ва ҳоказолар);

давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Бино ва иншоотларнинг таркиби ва тегишлилиги тўғрисидаги маълумотлар, солиқ тўловчининг идентификация рақами, шунингдек доимий пропискага эга шахслар ёки вақтинчалик ҳисобда турувчи (вақтинча прописка

қилинган) шахсларнинг паспортига оид маълумотларни нотариуслар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали мустақил оладилар.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

13. Битим нотариал тасдиқлангандан кейин кўчмас мулкнинг кадастр рақами тўғрисидаги маълумот ва сотиб олувчи ҳақидаги қўйидаги маълумотлар «Нотариус» АТТ орқали туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига юборилади:

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

доимий прописка манзили;

телефон рақами (мавжуд бўлса);

электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

нотариал ҳаракат амалга оширилган кун ва унинг қайд этилган рақами.

14. Ишончсиз ва бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилгани учун ушбу маълумотларни тақдим этган шахслар жавоб берадилар.

15. Ушбу Низомни бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш  
ва ҳады қилиш битимларини идоралараро  
электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда  
нотариал тасдиқлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон аризани тўлдириш.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
	«Нотариус» ААТ	Нотариал идорага келиш ва электрон аризанинг нотариал идора ходими томонидан тўлдирилиши.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
	«Нотариус» ААТ	Солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги ёки йўқлигини автоматик тарзда текшириш.	Электрон ариза тўлдирилган кунда
	Нотариал идора ходими	Солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжудлиги аниқланса, ариза берувчини қарзнинг суммаси ва таркибидан хабардор қилиш.	Электрон ариза тўлдирилган кунда
2-босқич	«Нотариус» ААТ	Қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжуд бўлмаган тақдирда, электрон аризага ноёб рақамни бериш.	Қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжуд бўлмаган тақдирда электрон ариза тўлдирилган кунда
3-босқич	Ариза берувчи ҳамда битимнинг бошқа томони	Нотариал идорага келиш ва битимни нотариал тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш.	Ноёб рақам берилгандан кейин ўн кундан кечикмай
	Нотариус	1. Битимни нотариал тасдиқлаш. 2. Маълумотларни туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига юбориш.	Нотариал идорага келган пайтдан бошлаб 24 соат мобайнида

Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлашни амалга оширишга  
АРИЗА**

Т/р	Ариза берувчи ҳақидаги маълумотлар	
1.	Фамилияси, исми, отасининг исми/юримдик шахснинг номи	
2.	Туғилган санаси (йил, кун, ой)	
3.	Паспорт серияси ва рақами, қачон ва ким томонидан берилган/юримдик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами	
4.	Доимий прописка манзили/юримдик шахснинг жойлашган жойи	
5.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами	
<b>Алоқа қилинадиган маълумотлар (мавжуд бўлса)</b>		
6.	Почта манзили	
7.	Телефон рақами	
8.	Электрон почта манзили	
<b>Кўчмас мулк ҳақидаги маълумотлар</b>		
9.	Кўчмас мулкнинг кадастр рақами (кадастр йиғмажилдига мувофиқ)	
10.	Кўчмас мулкнинг манзили	

Сана: 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Имзо: \_\_\_\_\_

*Изоҳ:*

*Идоралараро ахборот тизимларида маълумотлар мавжуд бўлса, электрон аризанинг тегишли бандлари автоматик тарзда тўлдирилади.*

*Электрон ариза нотариал идоранинг ходимлари томонидан тўлдирилса, электрон ариза қоғозга чиқарилади ва ариза берувчи томонидан кўрсатилган маълумотлар тасдиқланган ҳолда имзоланади. Қоғозга чиқарилган ариза битим бўйича ҳужжатлар билан бирга қўшиб тикилади.*

*Солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик ёки кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлаш мавжуд эмаслиги электрон аризага ноёб рақам бериш учун асос бўлади. Бунда ариза берувчи электрон аризага ноёб рақам берилган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида нотариал идорага келиши мумкин.*



Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига  
2-ИДЛОВА

### Идораларо электрон ҳамкорлик йўли билан алмашиладиган маълумотлар РЎЙХАТИ

Т/р	Маълумотнинг номи	Маълумотларни қабул қилувчи идора	Маълумотларни тақдим этувчи идора	Маълумотларни тақдим қилиш шarti
1.	Турар жойда доимий прописка қилинган ёки вақтинчалик ҳисобда турувчи (вақтинча прописка қилинган) шахсларнинг сони, прописка қилинган / прописакдан чиқарилган кун	Газ таъминоти ташкилотлари, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш ташкилотлари	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	Кўчмас мулкнинг кадастр рақами бўйича бир марталик сўровлар бўйича
2.	Турар жойда доимий прописка қилинган ёки вақтинчалик ҳисобда турувчи (вақтинча прописка қилинган) шахслар (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, Ф.И.О., паспорт серияси ва рақами, берган орган, берилган сана) ҳақидаги маълумотлар	Нотариал идоралар		Кўчмас мулкнинг кадастр рақами бўйича бир марталик сўровлар бўйича
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, СТИР, сотиб олувчининг доимий прописка манзили, мобил телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), нотариал ҳаракат амалга оширилган кун ва қайд этилган рақам, кўчмас мулкнинг кадастр рақами	«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси		Нотариал тасдиқлангандан кейин
4.	Кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳада тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисидаги маълумотлар	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	Нотариал идоралар	Нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечикмай
5.	СТИР, солиқлар бўйича қарздорлик мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақидаги маълумот	Нотариал идоралар	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси	Кўчмас мулкнинг кадастр рақами бўйича бир марталик сўровлар бўйича
6.	Бино ва иншоотларнинг таркиби ва тегишлилиги, кўчмас мулкни бошқага ўтказиш таққидланганлиги ва хатланганлиги ҳақидаги маълумотлар	Нотариал идоралар		Кўчмас мулкнинг кадастр рақами бўйича бир марталик сўровлар бўйича

Т/р	Маълумотнинг номи	Маълумотларни қабул қилувчи идора	Маълумотларни тақдим этувчи идора	Маълумотларни тақдим қилиш шарти
7.	Мулкдорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий прописка қилинган манзили, нота-риал ҳаракат амалга оширилган сана ва қайд этилган рақам, кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва умумий (турар жой) майдони, мулкдорнинг мобил телефон рақами (мавжуд бўлса), мулкдорнинг электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	Давлат солиқ кўмитаси, Худудий электр тармоқлари корхоналари, газ таъминоти ташкилотлари, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш ташкилотлари	«Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси	Мулк хуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин, бир вақтда — амалдаги мулкдорнинг мулк хуқуқи пайдо бўлгандан кейин мулкдорга мулк хуқуқини берувчи хужжатларни тўлиқ бир-бирига мослаштириш

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига  
3-ИЛОВА

Аниқ вақт режимида идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизимида бериладиган ўзаро ҳисоб-китоблар,  
электр энергияси, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув истеъмолчилари шахсий ҳисоб рақамларининг ҳисобга олиш  
маълумотлари, шунингдек якка тартибда ҳисобга олиш асбоблари ҳолати тўғрисида  
**БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ**

Кўчмас мулкнинг қадастр рақами	Истеъмолчи томонидан кўрсатилган якка тартибда ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичи	Якка тартибда ҳисобга олиш асбобининг аввалги кўрсаткичи билан фарқи	Ҳисоб- китобнинг бошқа мезони	Ўлчов бирлиги	Амалга оширилган тўлов (сўм)	Тўлов амалга оширилган сана	Якка тартибда ҳисобга олиш асбоби ҳолати текширилган сана	Якка тартибда ҳисобга олиш асбобини навбатдаги текшириш санаси	Инспектор томонидан кўрсатилган якка тартибда ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичи	Истеъмол- чининг балаенси (сўм)

Изоҳ:

Ушбу жадвалда охириги уч йил мобайнидаги маълумотлар кўрсатилади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари, газ таъминоти ташкилотлари, иссиқ сув таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш ташкилотлари ўз хусусиятларидан келиб чиқиб ушбу жадвалда кўрсатилмаган қўшимча маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 апрелдаги 180-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 4-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми)ни бошқаларга бериш ва мерос қилиб қолдиришда мулкчилик ҳуқуқининг ўтиши ҳақидаги шартномаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Хусусийлаштирилган уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Алоҳида уй (уйнинг бир қисми) ёки квартирани хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисидаги маълумотнома берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида йиғим ундирилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорининг 2-банди тўртинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 103-модда) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш фақат электр энергияси, табиий газ, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун қарзлар тўлиқ тўланган тақдирда амалга оширилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 8-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида:

4-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Худудий электр тармоқлари корхоналари шахсий ҳисоб рақами ва электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақидаги батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилишини ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига аниқ вақт режимида юборилишини таъминлайди».

94-бандда:

иккинчи хатбошидаги «5» рақами «30» рақам билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя битимлари давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан худудий электр тармоқлари корхоналарига янги мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, нотариал ҳаракат амалга оширилган кун ва қайд этилган рақам, кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва кўчмас мулкнинг

умумий (турар жой) майдони, мобил телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) ҳақидаги маълумотни юборади. Бунда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари маълумот тушгандан кейин бир ой муддатда мулкдор билан электр таъминоти шартномаси тузилишини таъминлаши шарт».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

8-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимлари тасдиқланганлиги ҳақида маълумот олинса, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унинг билан битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестрига мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, объектнинг номланиши, нотариал ҳаракат амалга оширилган сана ва қайд этилган рақам ҳақидаги маълумотлар киритилади»;

қуйидаги мазмундаги II<sup>1</sup> бўлим қўшилсин:

**«II<sup>1</sup>. Нотариал тасдиқланган кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимлари асосида идоралараро электрон ҳамкорлик воситасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби**

18<sup>1</sup>. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган тартибда «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимлари нотариал тасдиқланганлиги ҳақида маълумот олингандан кейин амалга оширилади.

Бунда давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар тегишли тўловлар амалга оширилгандан ва нотариусларнинг маълумоти олингандан бошлаб 5 кун муддат мобайнида кадастр йиғмажилдини тайёрлайди ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиради, бу ҳақда кўчмас мулк мулкдорига хабарнома юборади.

18<sup>2</sup>. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун ушбу Низомда кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, рўйхатга олувчи мулкдорни ёзма шаклда ёки электрон почта орқали хабардор қилади, бу ҳақда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестрига белги қўяди. Хабарномада аниқ сабаблар ва тақдим этилган маълумотларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсиялар кўрсатилади.

18<sup>3</sup>. Давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани рас-

мийлаштиргандан кейин коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларга қуйидаги маълумотларни юборди:

мулкдорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда доимий прописка қилинган манзили;

нотариал ҳаракат амалга оширилган сана ва қайд этилган рақам;

кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва умумий (турар жой) майдони;

мулкдорнинг мобил телефон рақами (мавжуд бўлса);

мулкдорнинг электрон почта манзили (мавжуд бўлса).

18<sup>4</sup>. Кадастр йиғмажилдини олиш учун мулкдор олди-сотди, айирбошлаш ва ҳады қилиш шартномаларининг асл нусхаларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга тақдим этади.

18<sup>5</sup>. Давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар кўчмас мулк объектларини вақти-вақти билан режали хатлашлар ўтказиш йўли билан беш йилда камидан бир марта, шунингдек режадан ташқари текширишлар жараёнида ҳисобга олиш кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланишига қараб техник хатловни амалга оширишлари лозим»;

57-банддаги «давлат нотариал идораларининг» сўзлари «идоралараро электрон ҳамкорлик орқали давлат нотариал идораларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

59-бандга «бино ва иншоотларни» сўзларидан кейин «икки кун ичида» сўзлари қўшилсин;

64-бандга «жисмоний шахсга жўнатилади» сўзларидан кейин «, ушбу Низомнинг 57-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 72-модда):

а) 1-иловада:

58-бандга «маълумотлар тақдим этилиши» сўзларидан кейин «, шунингдек зарур ҳолларда ёки Истеъмолчининг талабига кўра уй ичидаги иссиқлик таъминоти тизими ёки уй ичидаги асбоб-ускуналарни текшириши» сўзлари қўшилсин;

75-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«шахсий ҳисоб рақами ва якка тартибда ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотни шакллантиришга ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига аниқ вақт режимида юборишга»;

107 ва 108-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«107. Шахсий ҳисоб рақами ва якка тартибда ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати тўғрисидаги батафсил маълумотлар Ётказиб берувчи томонидан шакллантирилади ва аниқ вақт режимида идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига юборилади.

108. Янги мулкдор кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳады қилиш битимлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 30 кун муддатда шартнома тузиши шарт.

Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳады қилиш битимлари

давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан Етказиб берувчига янги мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, янги доимий прописка қилинган манзили, нотариал ҳаракат амалга оширилган сана ва қайд этилган рақам, кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва умумий (турар жой) майдони, мобил телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) ҳақидаги маълумотни юборади. Бунда Етказиб берувчи маълумот тушгандан кейин бир ой муддатда мулкдор билан иссиқлик таъминоти шартномаси тузилишини таъминлаши шарт»;

б) 2-иловада:

115-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «7 кун муддатда» сўзлари «30 кун муддатда» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битимлари давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан ИСКХ ташкилотига янги мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий прописка қилинган манзили, нотариал ҳаракат амалга оширилган сана ва қайд этилган рақам, кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва умумий (турар жой) майдони, мобил телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) ҳақидаги маълумотни юборади. Бунда ИСКХ ташкилоти маълумот олингандан кейин бир ой муддатда мулкдор билан иссиқлик сув таъминоти ва (ёки) оқова сувни чиқариш хизматларидан фойдаланишга шартнома тузилишини таъминлаши шарт»;

119-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«шахсий ҳисоб рақами ва якка тартибда ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотни шакллантириш ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига аниқ вақт режимида юбориш».